

## Ким ризқининг кенг бўлишини истаса...



11:48 / 27.11.2024 1564

لَلَّا يَضْرِبُ دَمًا عَلِيْرَحْصُنَاعُ  
لَلَّا يَلْصِي بَنَلَرَنَاعُ  
لَلَّا يَلْمُسَوْهُ يَلْعَ  
أَوْرُوكُبِ يَفِي تَمْأَلِكِ رَابِ  
وَأَيْرَسَثَعَبِ اذِنَالَّاكَوْ يَلْأَقِ  
رَاهَنَلَلَوْأَمَهَثَعَبِ اشْيَجِ  
نَالَّاكَوْ يَارِجَاتِ الْجَرْحَصَنَالَّاكَوْ

لَوْأِثَعَبَةَ رَاجَتَ ثَعَبَ اَذِإِ  
لَامَ رُثَكَ وَرْثَأَفَ رَاهَنَلَا  
لَوْ اَهَنَسَحَ وَيَذْمَرَتَلَهُورَ  
مَلَعَأَمَ.

Соҳр ал-Фомидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳим! Умматимга саҳарини баракали қилгин!» дедилар.**

**У зот лашкар ёки «сарийя» юборадиган бўлсалар, эрта тонгда юборар эдилар.**

**Соҳр тоҷир одам эди. Қачон тиҷорат (карвони) юборадиган бўлса, эрта тонгда юборар эди. У бой бўлиб, моли кўпайиб кетди».**

Термизий ривоят қилди ва ҳасан, деди. Аллоҳ билгувчироқдир.

Саҳархезлик яхши ва баракали эканлиги, бу ишга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари кетганлиги ва айниқса, тиҷорат ишида тажрибадан ўтганлиги таъкидлаб айтилмоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ораларида бўлмаган мусулмон жангчиларнинг гурӯҳи «сарийя» деб аталган. Ҳатто лашкар ҳам эрта тонгда ҳаракатга киришса, унга зафар ёр бўлар экан.

Ушбу ҳадиснинг ровийси Соҳр ал-Фомидий ўзлари ривоят қилган ҳадисга оғишмай амал қилганлари туфайли бойиб кетган эканлар.

Ҳар бир нарсада эрта саҳардан ҳаракат қилиш жуда ҳам фойдали ва баракотлидир. Чунки бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари кетган. Тажриба ҳам шуни кўрсатади. Нима иш қиласиган бўлсак, эрта саҳардан бошлашга одатланишимиз керак. Ўз меҳнати билан ризқу рўз топиш Ислом умматининг энг яхши авлоди –

саҳобаи киромларнинг, энг кўзга кўринган сиймоларнинг одатлари эди.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ўзларига ўзлари хизматчи эдилар. Уларнинг ҳидлари чиқиб кетар эди. Ғусл қилиб олсаларингиз, деб айтилди», деганлар.

Яъни, саҳобаи киромлар тижорат, зироат ва саноатда қуийиб-пишиб ишлаганларидан терлаб, уларда нохуш ҳидлар пайдо бўлар экан. Шунинг учун уларга ғусл қилиб олиш тавсия қилинган экан.

Имом Бухорий Анас розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда қуидагилар айтилади:

«Абдурраҳмон ибн Авф Мадинага келганида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Саъд ибн Робиъ ал-Ансорий билан биродар қилиб қўйдилар. Саъд бой одам эди. У Абдурраҳмонга «Сенга молимнинг ярмини бераман, сени уйлаб қўяман», деди. У эса: «Аллоҳ сенинг аҳлингга ҳам, молингга ҳам барака берсин. Менга бозорни кўрсатиб қўйинглар», деди.

У ўша ердан аҳли байти учун қурут ва сариёғ орттириб келди. Бир оз (ёки Аллоҳ хоҳлаганича) вақт ўтганидан кейин у устида сариқ бўёқ билан келди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Бу қаердан?!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ансорийлардан бир аёлга уйландим», деди.

«Унга нима тақдим қилдинг?» дедилар.

«Бир данак тилло (ёки бир данак вазнича тилло)», деди.

«Битта қўй сўйиб бўлса ҳам тўй қил», дедилар».

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу Саъд ибн Робиъ розияллоҳу анҳунинг мол-мулкини олиб, у уйлаб қўйган аёл билан роҳатда яшасалар бўлар эди. Лекин бундай қилмадилар. Ўз касблари билан ҳаёт кечиришни афзал кўрдилар. Шундай бўлди ҳам.

Касб қилишдан мурод ризқ топишдир. Ризқ топишга ҳаракат қилган ҳар бир одам иложи борича осон йўл билан кўпроқ ризқ топишни хоҳлайди. Ҳар бир одам ҳам ризқи кенг ва мўл бўлишини истайди. Хўш, бу орзуга эришишнинг йўли қандай?

Имом Бухорий Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ризқининг кенг бўлишидан ёки умрининг узоқ бўлишидан хурсанд бўлса, силаи раҳм қилсин», деганлар.

Демак, ота-онага, қариндош-уруғларга яхшилик қилиш лозим экан.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**